

## А Ж Р И М

(жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан иш юритишдан тугатиш тўғрисида)

2026 йил март ойининг 5 куни, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди, туманнинг “Анорзор” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, туман судининг судьяси З.Латиповнинг раислигида,  
судья ёрдамчиси

иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми ва 117-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи,

2006 йил 12 май куни Бухоро вилояти, Жондор туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти тугалланмаган олий, Тошкент давлат иқтисодиёт университети 3-босқич талабаси, ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Бухоро вилояти, Жондор тумани, “Зарафшон” МФЙ, Дўстлик кўчаси, 134-уйда яшовчи

нисбатан тўпланган 1-1004-2606/197-сонли жиноят ишини, ишни томонларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан иш юритишдан тугатиш ҳақидаги қарорга асосан кўриб чиқди.

Суд, жиноят иши бўйича гумон қилинувчи ва жабрланувчининг фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда тўпланган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

сабаб бўлган, транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузишда ва ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйишда ифодаланган жинойий қилмишларни содир этишда гумон қилинган.

Хусусан у, 2025 йил 15 декабрь куни, соат 13:30ларда, ўз бошқарувидаги,

билан, юксиз ва йўловчисиз Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Қиёт кўчаси бўйлаб бошқариб келиб, мазкур кўчада



жойлашган 51А-уй қаршисига келган вақтда амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 4-банди, 11-банди “г” қисми, 77-банди 1 ва 3 кичик бандлари, яъни “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак”, “Транспорт воситасини ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга айниқса болаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурдир”, “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатиб ўтилган талабларига риоя қилмасдан ҳаракатланиши оқибатида, йўлнинг қатнов қисмини кесиб ўтаётган вояга етмаган пиёда, вояга

чи тиббий ёрдам кўрсатмасдан воқеа содир бўлган жойдан кетиб қолган.

Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида вояга етмаган пиёда Пулатова Дурдона Боходир қизи тан жарохати олганлиги сабабли шифохонага мурожаат қилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2025 йил 25 декабрь кундаги №9736-Х-Хуж-сонли хулосасида, вояга етмаган Д.Пулатованинг танасида “чап оёқ 4-кафт суягини ёпиқ дарс кетиб суяк бўлакларини қониқарли туриши чап оёқ кафт соҳаси юмшоқ тўқимлари лат ейиши” каби тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра “Ўртача Оғир” даражадаги тан жароҳатларига кириши кўрсатилган.

Жиноят иши юзасидан Н.Юсупов, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми ва 117-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган.

, ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, унда гумон қилинувчи Н.Юсуповга нисбатан ҳеч қандай моддий ва бошқа даъвоси мавжуд эмаслиги, иш бўйича етказилган зарар мавжуд эмаслиги, қизининг даволаниши учун сарфланган ва бошқа зарарлар қопланганлиги, ярашув ўзаро ихтиёрий тарзда бўлаётганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, жиноят ишини иш юритишдан тугатишни сўради.

нинг айбига тўлиқ иқрорлик, қилмишидан пушаймонлик билдириб, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчи билан ярашганлиги,



ундан кечирим сўраганлиги, ярашув ўзаро ихтиёрий бўлаётганлиги, ярашувнинг моҳиятига тушунганлигини маълум қилиб, ишни ярашувга асосан иш юритишдан тугатишни сўради ҳамда судга бу ҳақдаги аризасини тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми ва 117-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, ўз айбига иқрор бўлган бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

ярашув тўғрисидаги аризаларини, жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, Юнусобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси ва ҳимоячининг жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан иш юритишдан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчининг айбига иқрорлиги, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчи ўртасида бирон-бир тазйиқсиз, ўз хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми ва 117-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси таъсири доирасига тушишини инobatга олиб, муносабати билан иш юритишдан тугатишни лозим топади.

ликаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига мувофиқ, ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангач, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан иш юритишдан тугатилсин.

қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон ўн сутка ичида, Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, мазкур



муддат ўтгач кассация тартибида хусусий шикоят бериши ёки хусусий протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи**

/имзо/

**З.Латипов**

Ажрим нусхаси аслига тўғри.

